



MODERN INFORMATION SPACE (internet) AND ITS IMPACT ON CHILDREN'S SOCIALIZATION

Urumbaeva Aygul Nagmetovna

Associate Professor of Nukus SPI named after Ajiniyaz,

candidate of Pedagogical Sciences

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19951324>

ARTICLE INFO

Received: 22nd April 2026

Accepted: 29th April 2026

Online: 30th April 2026

KEYWORDS

Modern information space, Internet, children's socialization, impact, cyber-socialization, main risks of virtual space, values dissonance, cyberbullying and virtual aggression, addiction; media literacy, "digital hygiene", cybercrime, negative socialization.

ABSTRACT

The article explores the problem of the modern information space (the Internet) and its impact on the socialization of children. In particular, the phenomenon of cyber-socialization (digital socialization) is analyzed. From a socio-pedagogical perspective, the main risks of the virtual space are revealed: dissonance of values, cyberbullying and virtual aggression, and addiction. It is emphasized that under these conditions, one of the crucial tasks of a social educator is to form a culture of Internet use among the younger generation, warn about negative consequences in the virtual space, and teach practical ways to protect them from the influence of malicious ideas and manipulations in social networks that are alien to national values.

СОВРЕМЕННОЕ ИНФОРМАЦИОННОЕ ПРОСТРАНСТВО (интернет) И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА СОЦИАЛИЗАЦИЮ ДЕТЕЙ

Урумбаева Айгуль Нагметовна

Доцент Нукусского ГПИ имени Ажинияза, кандидат педагогических наук

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19951324>

ARTICLE INFO

Received: 22nd April 2026

Accepted: 29th April 2026

Online: 30th April 2026

KEYWORDS

Современное информационное пространство, интернет, социализация детей, воздействие, киберсоциализация, основные риски виртуального пространства,

ABSTRACT

В статье исследуется проблема современного информационного пространства (интернета) и его влияния на социализацию детей. В частности, анализируется феномен киберсоциализации (цифровой социализации). С социально-педагогической точки зрения раскрываются основные риски виртуального пространства: диссонанс ценностей, кибербуллинг и виртуальная агрессия, зависимость (аддикция). Отмечается, что в таких условиях одной из важных задач социального педагога является формирование у подрастающего поколения культуры использования интернета, предупреждение о негативных последствиях в виртуальном пространстве, а также обучение практическим



диссонанс ценностей,
кибербуллинг и
виртуальная агрессия,
зависимость
(аддикция);
медиаграмотность,
«цифровая гигиена»,
киберпреступность,
негативная
социализация.

способам защиты от влияния вредоносных идей и
манипуляций в социальных сетях, чуждых нашим
национальным ценностям.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАКОНИ (интернет) ВА УНИНГ БОЛАЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

Урумбаева Айгуль Нагметовна

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ доценти, педагогика фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19951324>

ARTICLE INFO

Received: 22nd April 2026

Accepted: 29th April 2026

Online: 30th April 2026

KEYWORDS

Замонавий ахборот
макони, интернет,
болалар
ижтимоийлашуви,
таъсир,
киберижтимоийлашув,
виртуал маконнинг
асосий хавф-хатарлари,
қадриятлар диссонанси,
кибербуллинг ва
виртуал
тажовузкорлик,
қарамлик (аддикция);
медиясаводхонлик,
«рақамли гигиена»,
кибержиноятчилик,
негатив
ижтимоийлашув.

ABSTRACT

Маколада замонавий ахборот макони (интернет) ва унинг болалар ижтимоийлашуви таъсири муаммоси тадқиқ қилинади. Жумладан, киберижтимоийлашув (рақамли ижтимоийлашув) феномени таҳлил этилади. Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан виртуал маконнинг асосий хавф-хатарлари очиб берилади: қадриятлар диссонанси, кибербуллинг ва виртуал тажовузкорлик, қарамлик (аддикция). Бундай шароитта ижтимоий педагогнинг муҳим вазифасидан бири — ёш авлодта интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, виртуал макондаги салбий оқибатлардан огоҳлантириш ҳамда уларни ижтимоий тармоқлардаги миллий қадриятларимизга ёт бўлган ғаразли ғоялар таъсиридан (манипуляциядан) ҳимоя қилишнинг амалий йўлларини ўргатишдан иборат эканлиги ҳақида айтилади.

КИРИШ (INTRODUCTION):

Инсоният тараққиётининг бугунги постиндустриал ва глобаллашув босқичида жамиятнинг энг олий

қадрияти бўлган инсон капиталини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимига



муваффақиятли интеграция қилиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда инсоният ўз тарихида мисли кўрилмаган рақамли трансформация даврини бошидан кечирмоқда.

Бу даврнинг энг асосий хусусияти шундаки, болалар ва ўсмирлар учун ижтимоийлашувнинг асосий майдони реал ҳаётдан (кўча, маҳалла, мактаб) виртуал маконга (интернет, ижтимоий тармоқлар, метакоинот) кўчиб ўтмоқда. Замонавий педагогикада бу жараён «киберижтимоийлашув» (рақамли ижтимоийлашув) феномени сифатида тадқиқ этилмоқда [2].

Ахборот маконининг болалар тарбиясига таъсири икки хил (дуалистик) табиатга эга. Бир томондан, интернет ёшларга чексиз билим манбаларига эришиш, масофадан туриб таълим олиш, дунёнинг турли бурчакларидаги тенгдошлари билан мулоқот қилиш ва ўз креатив салоҳиятини намоён этиш (блогинг, дастурлаш орқали) имкониятини беради. Бироқ, иккинчи томондан, стихияли (назоратсиз) ахборот оқими болалар психикаси ва ахлоқий қарашларига ўта жиддий хавф солади.

МУНОЗАРА (DISCUSSION):
Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан виртуал маконнинг энг асосий хавф-хатарлари қуйидагилардан иборат:

• **Қадриятлар диссонанси:**
Интернетдаги эркин ва кўпинча Ғарб оммавий маданиятига хос бўлган қарашлар (эгоцентризм, истеъмолчилик кайфияти) миллий менталитетимиздаги андиша, уят ва

оилага ҳурмат каби қадриятлар билан тўқнаш келади. Бола бу икки ўт орасида қолиб, аномия (нормасизлик) ҳолатига тушиши мумкин.

• **Кибербуллинг ва виртуал тажовузкорлик:** Ижтимоий тармоқлардаги анонимлик ёшларда жазосизлик ҳиссини уйғотади. Бунинг оқибатида тенгдошларни интернет орқали ҳақорат қилиш, камситиш ҳолатлари кўпаймоқда, бу эса қурбон бўлган болаларда чуқур руҳий депрессия ёки суицидга (ўз жонига қасд қилишга) олиб келиши мумкин.

• **Қарамлик (Аддикция):** Ижтимоий тармоқларга тобелик (доимий лайк кутиш синдроми) ёки лудомания (онлайн қимор ўйинларига қарамлик) бугунги ўсмирларнинг реал ижтимоий мулоқотдан узилишига ва маргиналлашувига сабаб бўлмоқда.

Бундай шароитда ижтимоий педагогларнинг олдида бутунлай янги вазифа — ўқувчиларда **медиясаводхонлик** ва «**рақамли гигиена**» маданиятини шакллантириш вазифаси турибди. Болаларни интернетдан тўлиқ чеклаб қўйиш (тақиқлаш) нафақат имконсиз, балки зарарлидир. Бунинг ўрнига, педагог уларга ахборотни саралашни, ёлғон (фейк) маълумотларни аниқлашни ва виртуал маконда ўз хавфсизлигини таъминлашни ўргатиши лозим.

Глобал ахборот тармоғининг ривожланиши нафақат ижтимоий мулоқот шакллари ўзгартирди, балки жамиятда жиноятчиликнинг мутлақо янги феномени — **кибержиноятчиликнинг** кенг ёйилишига замин яратди.



Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, интернет-маконда содир этилаётган негатив ижтимоийлашув шакллари бевосита кибержиноятларнинг икки асосий тури билан боғлиқдир:

- **Биринчидан,** бевосита компьютер ва ахборот тизимлари ёрдамида амалга ошириладиган жиноятлар бўлиб, улар ўзгаларнинг шахсий маълумотларига ноқонуний уланиш, ахборотни ўғирлаш ёки йўқ қилишга йўналтирилган.

- **Иккинчидан,** кибермаконда содир этиладиган, мазмунан анъанавий бўлса-да, шаклан юқори технологияларга таянадиган жиноятлардир.

Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан кибержиноятчилик ёшлар ўртасида **негатив ижтимоийлашув**нинг энг хавфли омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнда вояга етмаганлар нафақат кибержиноят қурбонига айланиши, балки виртуал муҳитдаги жазосизлик ҳисси таъсирида ўзлари ҳам англамаган ҳолда ҳуқуқбузарлик йўлига (масалан, хакерлик, фишинг ёки тармоқдаги фирибгарлик) кириб қолиши мумкин. Шу боис, рақамли гигиена маданияти нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий тарбиянинг ҳам ажралмас қисмига айланиши лозим.

Замонавий илмий тадқиқотларда (А.А. Маматқулов) таъкидланишича, интернет тармоғига нисбатан шаклланган турли қарама-қарши қарашларнинг энг мақбул ечими — уни шунчаки техник восита сифатида қабул қилишдир. Ушбу ахборот воситасининг шахсга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши бевосита «инсон омили»га боғлиқ [3].

НАТИЖАЛАР (RESULTS):

Ахборот оқимини танқидий таҳлил қилиш кўникмасига (танқидий тафаккурга) эга бўлмаган ўқувчи-ёшлар ҳар қандай, шу жумладан, бузғунчи маълумотларни ҳам ҳақиқат сифатида қабул қилиш хавфи остида яшайдилар. Шу боис, бугунги кунда ўқитувчи-мураббийлар ва ижтимоий педагогларнинг энг **муҳим вазифа**ларидан бири — ёш авлодта интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, виртуал макондаги салбий оқибатлардан огоҳлантириш ҳамда уларни ижтимоий тармоқлардаги миллий қадриятларимизга ёт бўлган ғаразли ғоялар таъсиридан (манипуляциядан) ҳимоя қилишнинг амалий йўлларини ўргатишдан иборатдир [3].

Ёшларнинг рақамли ижтимоийлашуви жараёнини муваффақиятли бошқариш, энг аввало, таълим муассасаларидаги педагог ходимларнинг касбий компетенцияларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Замонавий тадқиқотчилар (Н. Абдуллаева ва б.) таъкидлаганидек, ахборот технологияларининг тарбиявий самарадорлиги **2-та** муҳим **омилга**: ўқувчиларнинг маълумотни интеллектуал қайта ишлаш (анализ қилиш ва эслаб қолиш) қобилиятига ҳамда педагогларнинг рақамли маҳоратига бевосита пропорционалдир [1].

ХУЛОСА ва ТАВСИЯЛАР (CONCLUSION):

Ахборот жамиятига ўтиш даврида билимнинг қадри унинг шунчаки ёдланишида эмас, балки амалиётда нечоғлик тўғри



қўлланилишида намоён бўлади. Демак, виртуал макондаги салбий таъсирларга қарши курашиш учун аввало ўқитувчи ва ижтимоий педагогларнинг ўзи «рақамли трансформация»дан ўтиши, янгича медиа-технологияларни пухта эгаллаши ва ўқувчилар учун нафақат реал, балки виртуал ҳаётда ҳам ҳақиқий йўлбошчига айланиши давр талабидир [1].

Олиб борилган илмий изланишлар, социологик ва психологик манбалар таҳлили ҳамда таълим муассасаси базасида ўтказилган тажриба-синов ишлари

натijasида қатор умумий илмий-назарий ва амалий хулосаларга келинди. Шу жумладан, таълим-тарбия ва методик йўналишида: «Рақамли гигиена» ва медиасаводхонлик курсларини жорий этиш; бугунги ўсмирлар учун энг катта хавф виртуал макондан (кибербуллинг, лудомания, бузғунчи ғоялар) келаётганлигини ҳисобга олиб, мактабларнинг юқори синфларида «Тарбия» фани ёки синф раҳбарлари соатлари доирасида алоҳида «Рақамли гигиена ва интернетда хавфсизлик» ўқув модулини киритиш.

References:

1. Абдуллаева Н., Маъмурова Ф., Тожимуродов Н. «Таълимда замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг аҳамияти»// Экономика и социум. 2021. №4-1 (83).
2. Исмоилов Б.Р. Таълим тизимида ўқувчилар ижтимоийлашуви масаласининг талқини // Современное образование (Узбекистан). 2023. №4 (125).
3. Маматкулов А.А. «Ўқувчи ёшлар ўртасида интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш»// Современное образование (Узбекистан). 2020. №6 (91).